11 ОКТ 19841

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№229 (5520).

6

Октябрь 1984 й.

ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида Финляндия Бош министри Калеви Сорсанинг Совет Иттифоқига қилган расмий визити, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг у билан қилган суҳбати ҳамда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов билан ўтказган музокараларининг якунлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Суҳбат ва музокаралар чоғида бўлиб ўтган фикрлашувлар Совет—Финляндия алоқалари учун анъанавий бўлган дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтганлиги ҳамда иккала мамлакат халқлари, ялпи тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлида СССР билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрдам бериши мамнуният билан қайд этиб ўтилди. Визит вақтида 1986—1990 йилларда СССР билан Финляндия ўртасида товар оборати ва тўловлар тўғрисидаги битимнинг имзоланганлиги Совет — Финляндия ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб бораётганлигининг яна бир конкрет ифодасидир.

(Давоми иккинчи бетда).

НАЗОРАТЧИЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ



Москва, Кремль. 5 октябрь 1984 йил. Халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгаши. В. Парадни фотоси («Правда»дан).

Халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгаши, дедик у, мамлакатда социалистик контролни ривожлантиришда шонли босқич бўлиб қолади. Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарларининг иштирок этаётганликлари, Константин Устинович Черненко нутқ сўзлаганлиги бу кенгашга алоҳида аҳамият бахш этмоқда. Константин Устинович Черненконинг ёрқин, илҳомбахш нутқи мамлакатдаги барча халқ контролёрлари учун узоқ истиқболга мўлжалланган конкрет иш программасидир. Партия, КПСС Марказий Комитети контрол воситасида оммани давлат ва жамият ишларини бошқаришда актив иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги Ленин ғояларини қатъият ва изчиллик билан амалга ошириб, бу ғояларни ривожланган социализм босқичида ижодий ривожлантирмоқдалар ва конкретлаштирмоқдалар.

Докладчи бугунги кун талаблари асосида халқ контроли органлари олдида катта, шу билан бирга сифат жиҳатидан янги вазифалар ҳам турганлигини таъкидлаб ўтди. Биз партия билан давлат директивалари бажарилиши устидан контроллик қилиш воситаси билан экономика ва социал турмушнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ таъсир ўтказишимиз, камчиликлар ҳамда бузилишларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда ўз ролимизни яхшироқ бажариш учун хўжалик юритишнинг натижаларини чуқурроқ кўриб идрок этишимиз шарт.

Нотиқ назоратчиларнинг ишини таърифлаб, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда умуман халқ контролининг активлиги кучайганлигини қайд этиб ўтди. Комитетлар билан группалар план ҳамда топшириқлар бажарилиши, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш, тежамкорлик режимига риоя этиш устидан контролликни кучайтирдилар. Кейинги йилларда ҳар икки текширишнинг бири мана шу масалалар юзасидан ўтказилди. Ана шу текширишларнинг натижаларига кўра қабул қилинган чора-тадбирлар кўп ҳолларда камчиликларни бартараф этишга, ишдаги узилишларнинг олдини олишга, ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Докладчи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларини аниқлаш соҳасида халқ контроли органларининг вазифалари тўғрисида батафсил гапирди. Аввало гап ҳамма жойда, ҳар бир корхона, колхоз, ташкилотда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча участкаларида, хуллас ҳар бир иш жойида иш вақтининг унумсиз зое кетишига барҳам бериш тўғрисида бормоқда. Бироита ҳам интизомсизлик, тартибсизлик ҳоллари, иш вақтининг ҳар қандай асоссиз зое кетиши назоратчиларнинг ўткир нигоҳидан четда қолмаслиги керак.

Социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш, халқ бойлигини талон-торож қилиш ҳолларини ва бошқа суиистеъмолчиликларни тагтомири билан тугатиш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги масалани ҳам тежамкорлик режимини кучайтириш зарурлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш керак. Халқ контроли давлат ва жамоат мулкига ҳар қандай тажовузларга актив қарши туриши лозим.

Партия мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси каби тармоқларни тезроқ юксалтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. А. М. Школьников Озиқ-овқат программасига мувофиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ажратилаётган ғоят катта ресурслардан самарали фойдаланиш планлари муносабати билан халқ контролёрларининг вазифалари тўғрисида гапириб, шуни қайд этдики, қишлоқ хўжалиги учун ажратилаётган пул маблағларидан, машина-механизмлар, минерал ўғит ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш йўлидаги курашда назоратчиларнинг яна ҳам активроқ ёрдами зарур. Чорвачиликда янада таъсирчан контролликни таъминлаш талаб этилади.

(Давоми иккинчи бетда).

ХАЛҚ КОНТРОЛЁРИНИНГ ЮКСАК ГРАЖДАНЛИК БУРЧИ

Ўртоқ К. У. ЧЕРНЕНКО нутқи

...из ўртоқлар!

...злар ғоят муҳим масала... — халқ контролини ... активлаштириш, унинг ...адорлигини ошириш ма...ларини муҳокама қилиш ...тўпландингиз. КПСС ...азий Комитети ўз вақ...тўпландингиз, деб ҳисоб...а. Бунинг боиси шунда...из жамиятимизни бошқ... системасини ташкил ... барча бўғинларнинг иш ...нга нисбатан ҳаёт янги ... талабларни қатъий қи...қўяётган даврга қадам ...ик. Халқ контроли бу ...манинг таркибий ва ме..., бирдан бир қисми...эги кунда олдимизда ...н катта вазифалар да...сига кўтаришдан ибо...замон амри тамомила ...рга ҳам тааллуқлидир. ...з қудратли моддий ва ...авий потенциалга таяч... куч-ғайратимизни са... қишлоқ хўжалиги, ...спорт ва қурилишнинг ...ққа, коммунистик бун...олик ишига хизмат қи... — халқ контролёрлари... юксак бурчидир. Ҳо... меҳнаткашларнинг кол...ивлари сайлаган ўн мил... кишли корхоналар, кол...арда, ташкилотлар ва ...асаларда халқ контроли ...алари ҳамда постлари... ...аъзоларидир. Улар фан... ...ка тараққиётини жадал... ...риш, иш сифатини оши... тежамкорлик режимини кучайтириш резервларини қидириб топишда актив қатнашиб, партия XXVI съездининг қарорларини бажаришга, беш йиллик планларини рўёбга чиқаришга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

5 октябрь куни Москвада бўлиб ўтган халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгаши назоратчилар фаолиятини янада такомиллаштиришга бағишланди. Кенгаш қатнашчилари халқ контролининг КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатиш соҳасида давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ҳамда тартибни кучайтириш тўғрисидаги қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар.

Иштирок этган **К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. М. Чебриков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан ўринларидан туриб кутиб олди.

СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудирлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ҳам президиумдан жой оладилар.

Кенгаш қатнашчилари ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини якдиллик билан фахрий президиумга сайлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **К. У. Черненко**га сўз берилади. Ҳозир бўлган кишилар Константин Устиновични гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Сўнгра СССР халқ контроли комитетининг раиси **А. М. Школьников** доклад қилди.

Докладчи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларини аниқлаш соҳасида халқ контроли органларининг вазифалари тўғрисида батафсил гапирди. Аввало гап ҳамма жойда, ҳар бир корхона, колхоз, ташкилотда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча участкаларида, хуллас ҳар бир иш жойида иш вақтининг унумсиз зое кетишига барҳам бериш тўғрисида бормоқда. Бироита ҳам интизомсизлик, тартибсизлик ҳоллари, иш вақтининг ҳар қандай асоссиз зое кетиши назоратчиларнинг ўткир нигоҳидан четда қолмаслиги керак.

Социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш, халқ бойлигини талон-торож қилиш ҳолларини ва бошқа суиистеъмолчиликларни тагтомири билан тугатиш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги масалани ҳам тежамкорлик режимини кучайтириш зарурлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш керак. Халқ контроли давлат ва жамоат мулкига ҳар қандай тажовузларга актив қарши туриши лозим.

Партия мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси каби тармоқларни тезроқ юксалтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. А. М. Школьников Озиқ-овқат программасига мувофиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ажратилаётган ғоят катта ресурслардан самарали фойдаланиш планлари муносабати билан халқ контролёрларининг вазифалари тўғрисида гапириб, шуни қайд этдики, қишлоқ хўжалиги учун ажратилаётган пул маблағларидан, машина-механизмлар, минерал ўғит ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш йўлидаги курашда назоратчиларнинг яна ҳам активроқ ёрдами зарур. Чорвачиликда янада таъсирчан контролликни таъминлаш талаб этилади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЭРТАГА—СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ

Социалистик демократия халқ манфаатларини ...эттиради ва ҳимоя қилади, коммунизм ишига ...мат қилади. У бутун жамоат ҳаётида — иқ... ...содий, сиёсий ва маънавий томонларида акс ...иб, шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ...ронт яратади. Бизнинг партиямиз социализм ...ёсий системасини такомиллаштириш тўғрисида ...нтазам ғамхўрлик қила бориб, Советларга — умумхалқ давлатининг сиёсий асосини ташкил этувчи социалистик демократиянинг энг муҳим формасига алоҳида эътибор қаратиб келди ва қаратмоқда.

Уларнинг раҳбарлиги остида республикамиз Совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Унда қудратли ишлаб чиқариш кучлари яратилди, халқ фаровонлиги



мунтазам ошиб бораяпти, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи мустаҳкамланяпти. Буларнинг ҳаммасини Ўзбекистон пойтахти мисолида кўриш мумкин.

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,54	57,71
Тошкент	3,61	53,39
Андижон	2,57	51,12
Наманган	3,01	46,05
Сурхондарё	2,62	43,67
Бухоро	1,58	36,90
Хоразм	2,72	35,41
Самарқанд	2,42	33,29
Навоий	1,53	29,03
ҚҚАССР	2,38	23,58
Қашқадарё	1,28	23,49
Жиззах	2,61	22,52
Сирдарё	3,70	22,22
Республика бўйича:	2,50	37,88



ХАЛҚ КОНТРОЛЁРИНИНГ ЮКСАК ГРАЖДАНЛИК БУР

(Боши биринчи бетда).

Бироқ келинглар, эришилган натижаларнигина эътиборга олмай, бошқа жиҳатларга ҳам назар ташлайлик. Келинглар, ҳозирги аҳволни социализм илмий назариясининг олий талабларига таққослаб кўрайлик. Ленин социалистик жамиятда контрол қилиш иши чинакам умумхалқ иши бўлиб қолиши керак, деб таълим берган эди. У Совет ҳокимиятининг илк палласида келажакка назар ташлаб, «Контрол аввал ишчи ташкилотлари томонидан, кейинчалик **ёпасига** ҳамма аҳоли томонидан амалга оширилиши керак», деб ёзган эди. Бунда у «ёпасига» сўзининг остига чизиб қўйган эди. Ҳозир ҳам партия масалани худди ленинчасига қўймоқда. Айни худди шу мақсадга интилиш керак. Ҳар бир — диққат қилинг, — ҳар бир совет кишиси ўзини халқ контролёри деб билиши, у мана шу юксак гражданлик вазифасига мувофиқ равишда ўйлаши ва иш кўриши лозим.

Сизлар менинг фикримни тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман. Бу ўринда гап халқ контролининг минглаб комитетларидаги штатларни кенгайтириш билан шуғулланиш ҳақида асло бораётгани йўқ. Сизларнинг айниқса район, шаҳар бўғинингизда штатли ходимлар кўп эмаслигини яхши биламиз. Бу ўриндаги муҳим нарса рақамлар эмас. Муҳими — ишнинг моҳиятидир. Моҳият эса шундан иборатки, халқ контролини ривожлантириш социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг зарур йўналишларидан биридир.

Бизнинг демократиямиз ҳар бир кишига ўзининг мамлакат хўжайини эканини актив кўрсатиш ҳуқуқини беради ва унинг зиммасига шундай вазифани юклайди. Контрол қилишда қатнашиш шу ҳуқуқдан фойдаланишни ҳам, бу вазифани англашни ҳам яхшилаб ўргатишини сизлар ўз тажрибангиздан биласизлар. Партия сизларнинг ишингизга янги-янги миллионлаб меҳнаткашларни жалб этиш заруратига мана шу энг асосий, таъбир жоиз бўлса, стратегик нуқтаи назардан қарайди. Мана шу меҳнаткашлар бевосита лавозими жиҳатидан бўлмаса ҳам, ўз ижтимоий фаолиятининг руҳи ва мазмуни жиҳатидан, аввалига лоақал ўз меҳнат коллективларида ҳақиқий талабчан халқ контролёрлари бўлиб қолсинлар. Улар — Ленин сўзлари билан айтганда, — «энг оддий ишлардан бошлаб... аста-секин давлат ишларида муҳимроқ ролларни бажаришга» ўтаверсинлар.

Реаллик — демократиямизнинг бебаҳо фазилатидир. Партия уни айни реал тарзда ривожлантириш ва чуқурлаштиришга жуда катта аҳамият бермоқда. Бу масалани Марказий Комитетнинг 1984 йил апрель Пленуми нақадар жиддий тарзда қўйгани сизларга яхши маълум. Бу масалани ҳал этиш бевосита Советларнинг ишини кучайтиришга қаратилган. Бу соҳадаги вазифа шундан иборатки, давлат ҳокимиятининг мана шу оммавий органларини ўзларининг ҳамма конституцион ваколатларидан амалда фойдаланишни ўрганиб олсинлар. Партия шу вазифани касаба союзлари, комсомол, меҳнат коллективлари учун, худди шунингдек халқ контроли учун ҳам актуал деб ҳисоблайди. Умуман гап халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши бунёдкорлик кучини кенг жабҳа бўйлаб авж олдириш тўғрисида бормоқда. Жамиятимизнинг сиёсий системасини такомиллаштиришнинг моҳияти ҳам мана шундан иборат. Бу — сиёсий системани социализм идеалига яқинлаштиришнинг ўзгинасидир.

Умуман, ўртоқлар, бизда социализмнинг олий нормаларини назарда тутиб иш кўриш одат бўлиб қолиши керак. Эришилган натижаларни баҳолашда шу олий нормаларни асло унутиб бўлмайди. Бугунги практикани ҳам, келгуси режаларни ҳам шу олий нормаларга таққослаш лозим. Сизларнинг фаолиятингиз учун эса буни энг биринчи вазифа деса бўлади. Зеро, пировард натижада, халқ контроли социализмнинг табиатига зид бўлган, унинг принципларига тўғри келмайдиган ҳамма камчиликларни аниқлаш ва тугатишга ёрдам бериш учун яшайди.

Масалан, социализмнинг биз учун муқаддас бўлган: ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига қараб, деган принципини олиб кўрайлик. Бу — айни бизнинг ишчилар синфимиз, халқимиз тарихда биринчи бўлиб орзудан шонли ҳақиқатга айлантирган социал адолат негизларининг негизидир. Бироқ бу ғалабанинг бутун улуғлигини англаган ҳолда, уни ҳам эътиёт қилиб асраш, ҳам ривожлантириш кераклигини унутмаслик лозим. Бизнинг бой тажрибамиз «меҳнатга қараб» принципига риоя этилиши ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш кераклигини кўрсатиб турибди. Акс ҳолда бу принципни бузиш ҳолларига дуч келиниши мумкин. Бу эса экономикамизга катта зиён етказади. Бу бузишларнинг айримлари совет кишиларини жуда қаттиқ ғазаблантиради, бизнинг адолат тўғрисидаги тушунчамизга асло тўғри келмайди.

Хўш, булар қандай ҳодисалар? Бу ҳодисалар бизда кўпинча «текисчиликка мойиллик», «даромаддан ортиқ буромад» деган иборалар билан ифода этилади. Назаримда, бу — юмшоқ сўзлар. Бу сўзлар замирида яшириниб ётган моҳиятга назар ташланса, булар ҳаддан ташқари мулойим сўзлардир.

Текисчиликка мойиллик — дангаса, бракчига саховатпешалик қилишга ва айни вақтда яхши, дёнатли эканимни хафа қилиш, камситишга мойилликдир. Ҳали кўпинча, айтайлик, ишлаб чиқариш илғорларига ҳам, қолоққа ҳам бир хил миқдорда мукофот ёзилаётганлигини биласизлар. Афсуски, кўп кишилар буни кўриб кўрмасликка олмоқдалар. Айрим ҳолларда халқ контроли ҳам, чамаси, буларни майда ва жузъий нарсалар жумласига қўшиб, бундай фактларга бепарволик билан қарамоқда. Аслида эса бу — социализмнинг энг муҳим принципидан қўпол равишда чекинишдир.

Бизда бутун кучини сарфлаб меҳнат қилаётган киши ҳамиша ва ҳамма ерда иш ҳақида ҳам, уй-жой, йўлланма тақсимланишида, бошқа социал неъматлар берилишида ҳам сезиларли имтиёзлар билан таъминланиши керак. Илгари ҳам гапириб ўтишимизга тўғри келган фикрни такрорлаяпман. Аммо, сизларнинг ҳузурингизда атайин такрорлаяпман, чунки халқ контролининг вазифаси — социалистик тақсимот принципининг мажбурий нормаларига амалда қандай риоя этилаётганлигига доимо кўз-қулоқ бўлиб туришдан иборат. Ленининг сўзлари билан айтганда, истеъмол меъёри меҳнат меъёри билан қандай конкрет боғланаётганини текшириб туриш керак.

Энди «даромаддан ортиқ буромад» деган машъум иборага ўтайлик. Агар бу ҳолатни ўз номи билан атайдиган бўлсак, ахлоқсизликгина бўлиб қолмай, баъзан жиноятдан иборат бўлган текинхўрлик ҳодисалари ҳақида гапирмоқчиман. Дардини яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деганларидек, ҳозирча шу ҳодисаларни тугатишга муваффақ бўлинмади. Бошқаларнинг ҳисобига, жамият ҳисобига ҳузур-ҳаловатда яшашга интиладиган ва шундай яшаб келаётган кишилар ҳали ҳам учраб туради. Бундай ҳодиса социалистик жамиятимизнинг бирон-бир нормасига ҳам мос келмаслиги равшан.

Кейинги йилларда биз, иборали қилиб айтганда, уйимизда тартиб ўрнатишга қаттиқ киришдик. Порахўрлик ва чайқовчиликка, социалистик мўлкни талон-торож қилиш ва ўғирлашга, лавозимни суиистеъмол қилишга чек қўйишдан иборат аниқ вазифа белгилаб берилди. Биз қонунчиликни мустаҳкамлаш учун, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларимизнинг ишини яхшилаш учун, раҳбар ходимларнинг масъулиятини ошириш учун, умумий уюшқоқлик ва интизом учун курашни кескин кучайтирдик. Бу соҳада партия билан давлатнинг марказий органлари бир қанча амалий чораларни кўрдилар. Айрим жойларда, масалан, Краснодар ўлкаси, Ўзбекистон, Ростов областининг бир қанча ходимларига нисбатан бўлганидек анча кескин чоралар кўрилди.

Бу йўлни халқимиз маъқулламоқда, қўллаб-қувватламоқда. **(Қарсаклар).** Бироқ бу йўлни умуман эмас, тантанали ваъдалар билан эмас, балки конкрет ҳаракатлар билан, доимо, мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш кераклигини ҳамма ҳам астойдил англаб олдимикан, — деган савол туғилади. Халқ контролининг раҳбарлари ва активлари бўлган сиз ўртоқларга ҳам шу савол берилади. Бу савол сизларга айниқса тааллуқлидир. Чунки халқ ўзининг қадр-қиммати ва виждонини таҳқирлайдиган ҳодисаларга дуч келганида ўз контролёрларимиз, яъни айни **халқ** контролёрлари қаёққа қарамоқдалар, деб тўла асос билан ажабланади. Халқ депутатлари Советларига, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга, бошқа давлат ва жамоат ташкилотларига нисбатан ҳам мана шундай талаб қўйилади, албатта. Аммо бу нарса сизларнинг зиммангизга тушадиган масъулиятни сира камайтирмайди. Сизларнинг бевосита бурчингиз — камчиликларга ва тартибсизликларга қарши амалий иш билан эмас, балки фақат оғиздагина курашилаётган жойларда ўзларингизнинг қатъият билан ишга солишдан иборат.

Ўртоқлар, кўп йиллар мобайнида алкоголни суиистеъмол қилишга қарши амалга оширилаётган чораларнинг унчалик натижадор эмаслиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Спиртли ичимликка ружу қилиш одамларнинг соғлиғини ҳароб этади, хонадонга кулфат келтиради. Ишлаб чиқаришга ҳам ички ишсизлик бир талай зарар етказади. Умуман турмуш тарзимизга доғ туширади. Чамаси жамиятни бу балойи азимдан халос қилиш мақсадида янада сабот билан ва янада пухта ўйлаб ҳаракат қилиш пайти келди. Халқ контроли ҳам ички ишсизликка қарши кураш самарали бўлиши учун, бу кураш расмий «тадбирлар»дангина иборат бўлиб қолмаслиги учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишига аминман.

Контрол қилиш — аввало одамлар билан жонли иш олиб бориш, демакдир. Бу ўринда қатъият, талабчанлик ва айни вақтда хайрихоҳлик билан моҳирона ёндашиш жуда муҳимлигини тажриба кўрсатиб турибди. Барчага баравар ишончсизлик ва шубҳа-гумон билан қараш халқ контроли вакилларига ёт хусусиятдир.

Контрол қилиш иши турмушимиздаги катта ва кичик қусурларни аниқлаш ва айбдорларнинг жазосиз қолишига йўл қўймаслик билангина чекланиши мумкин эмас. Ленин контролнинг вазифаси «фақатгина «тутиш»дан», «фош қилишдан» иборат эмас... ва ҳаттоки асосан бундан иборат эмас, — балки тузата билишдан иборатдир», «зарур бўлган амалий ўзгартишларни ўз вақтида ўтказиш, бу ўзгартишларни амалга ошириш керак», деб таъкидлагани ҳаммамизнинг ёдимизда.

Энг муҳими, нуқсонларни ўз вақтида пайқаб олишдан, бу нуқсонларнинг катта камчиликларга айланиб кетиши олдини олишдан иборат. Нуқсонларнинг, суиистеъмол қилишнинг сабабларини жуда синчиклаб ўрганишга асосий эътиборни қаратиш керак. Ўрганиб бўлинганидан кейин шу асосда салбий ҳодисаларнинг олдини ола биладиган тадбирлар кўрилишига коллектив бўлиб интилиш лозим. Ҳар қандай текширишни албатта охиригача олиб бориш, аҳвол ўзгармагунча чекинмаслик керак. Демак, халқ контролининг ишида текшириш, камчиликларнинг олдини олиш ва тузатиш бир бутун қилиб бирлаштиришини лозим.

Ўртоқлар, фаолиятингизнинг кўпчилик бўлмаганда ҳам анчагина қисми экономика проблемалари билан, унинг самарадорлигини ошириш ишлари билан боғланган ва бу табиий бир ҳолдир. Биз учун экономика соҳаси — энг муҳим соҳадир.

Ҳозир бу соҳада шу беш йилликни муносиб равишда тугаллаш биринчи даражали вазифадир. Биз ўтмишдаги кўпгина нуқсонларни бартараф этишга эришдик. Бироқ, план топшириқларини, қабул қилган социалистик мажбуриятларни уддалаш учун ҳали жуда зўр бериб кучғайрат сарфлаш зарур. Биз мавжуд резервлардан имкони борича кўпроқ фойдаланишга кўмаклашиши лозим бўлган халқ контролининг мана шундай куч-ғайрат сарфлашидан умидвормиз. Бу резервлар эса аввало меҳнатни ташкил этишни янада яхшилаш, интизомни, иқтисодий тежашни мустаҳкамлаш замирида яшириниб ётибди.

Бизнинг ишдаги пухталик ва уюшқоқлик учун авж олдирган курашимиз дуруст самаралар берди. Корхоналар шартномавий мажбуриятларга яхшироқ риоя қиладиган бўлиб қолдилар. Бекор туриш, ишга кечикиб келиш, прогул қилиш ҳоллари анча қисқарди. Ишлаб чиқариш бундан ҳам кўпроқ фойда олиши, ҳар бир ишчи ва хизматчи ўз меҳнатидан кўпроқ қониқиш ҳосил қилиши учун биз ҳали кўп нарсаларни қилишимиз керак. Ишлаб чиқаришни ташкил этишни, меҳнатни, ишлаб чиқаришни бошқаришни ҳозирги замон талабларига мувофиқ қилиб қайта қуришимиз керак. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳам халқ контролининг диққат марказида бўлиши керак

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

«Марказий статистика бошқармаси маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда бутун Узбекистон республикасидаги ишсизларнинг умумий сони 13 минг кишига етади».

(«Правда Востока», 1925 йил, 12 февраль).

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Газетамизнинг тўртинчи бетига бир қаранг. Унинг ҳар бир сонида аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ўз эълонларини ёритади. Ишга қабул қилинади, ишга қабул қилинади... ишчилар ва инженерлар, техниклар ва бинокорлар, ўқитувчилар ва врачлар, турли соҳа мутахассислари ишга қабул қилинади, деб ёзилган. «Ишсизлик» сўзининг ўзи архаизмга айланди.

Тошкентдаги корхоналарнинг ўзи 800 га яқин. Уларда республикадаги бутун саноат ишчиларининг учдан бири меҳнат қилади ва уларнинг салкам 35 проценти аёллар.

Бир кунда Тошкентда 96 та трактор, 40 га яқин пахта териш машинаси, деярли 520 минг сўмлик трикотаж, 320 минг сўмлик мебель, 86 минг сўмликдан зиёд чинни буюмлари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Узбекистон пойтахти ишчилари —СССР ишчилар синфининг кўп миллатли шонли отряди. Шуни айтиш кифояки, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида 50 дан зиёд миллат вакили ишлайди, тўқимачилик комбинатида эса— 40 дан зиёд, «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», трактор, экскаватор, кабель заводлари... Булар шаҳар ичидаги ишчи шаҳарчаларидир. Уларнинг маҳсулотларини жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида билишади ва қадрлашади.

Бизнинг Конституциямиз асосий ҳуқуқ— меҳнат қилиш ҳуқуқига кафолот беради. Мамлакатимизда меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш юксак баҳоланади. И. Орипов, А. Девятова, Б. Жўраева, Л. Казанцева, Н. Маннопов, М. Мўйдинов ва бошқа тошкентликлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган. Шаҳримизнинг минглаб ишчилари СССР орденлари ва медаллари билан тақдирланишган. Меҳнат улар учун шон-шараф, шуҳрат ва қаҳрамонлик ишига айланган. Худди шулар —ишлаб чиқариш пешқадамлари — Тошкент пролетариатининг шонли меҳнат, революцион ва жанговар анъаналарини муқаддас билиб кўпайтиришяпти, кўпгина ватанпарварлик ташаббусларини бошлаб беришяпти.



СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ

«СССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар»— деб ёзилган мамлакатимизнинг Асосий Қонунида. Қачонлардир чор Россиясининг ярим саводсиз мустамлакаси пойтахти бўлган Тошкент эндиликда Узбекистоннинг маданий маркази бўлиб қолди. Унлаб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, юзлаб мактаблар, илмий-тадқиқот институтлари, Узбекистон Фанлар академияси — буларнинг ҳаммаси республикамизда совет демократияси тантанасини тасдиқловчи далиллардир.

Институтлар ва техникумларда минглаб ҳорижий студентлар таълим олишяпти. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети, политехника, педагогика, медицина институтлари Узбекистоннинг кадрлар масканига айланган. Ишчилар синфи камол топди. Унинг сафида миллионлаб маълумотли, техникани чуқур билувчи, сиёсий етук кишилар бор. Уларнинг жамоат активлиги, давлатни бошқаришдаги иштироки анча ўсди. Колхозчилар замонавий техника билан қуролланишган. Уларнинг маълумот даражаси, турмуш тарзи шаҳарликларникидан унчалик фарқ қилмайди. Зиёлилар чин маънода халқ зиёлиларига айланишди, уларнинг жамиятимиздаги салмоғи ўсяпти.



БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

«Муҳаммад мактаби программасининг бутун моҳияти диний принципга асосланган бўлиб, студентларнинг онгини ўргимчак тўридек қамраб олган... Улар бундан 500—1000 йил муқаддам яратилган асарларни ўқиб-ўрганишга маҳкум этилганлар. Бундан ортиқчасини билиш тақиқланган, гуноҳ ҳисобланган».

(«Туркестанские Ведомости», 1876 йил, 7 декабрь).

* * *

«Ўзбекистонда ягона марказий ўзбек тажриба мактаби биринчи марта туб аҳолидан 10 нафар маориф ходими тайёрлади».

(«Правда Востока», 1928 йил, 14 сентябрь).

* * *

«Эски шаҳарнинг 42 та ўқув юртидан тузукроғи 14 таси хароба бинода жойлашган, қолганлари саройма-сарой кўчиб юришади.

(«Правда Востока», 1927 йил, 5 август).

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲУҚУҚИ

«Бутун республикада бор-йўғи 170 врач гражданларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг салкам 15 проценти кексайиб қолишган».

(«Известия ТуркЦИК», 1921 йил, 3 февраль).

* * *

«1928 йилнинг 1 январида Тошкент округида бир врачга 15522 киши тўғри келади».

(«Правда Востока», 1928 йил, 26 апрель).

ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

«Тўқувчиларни навбат билан дам олиш уйига юбориш қатъий назорат қилинмоқда. Ҳозиргача 20 киши ҳордиқ чиқарди».

(«Туркестанская правда»», 1923 йил, 1 сентябрь).

XX аср бошида Ғаржуа «пайғамбари» шундай деб баҳолаган эдилар: ўлкани саводсизликдан чиқариш учун эллаб йиллар керак. Туркистон Компартияси V съезднинг (1920 йил, сентябрь) маҳаллий аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш бўйича фавқулодда чоралар кўриш бўйича қарор қабул қилишга 60 йил бўлди. Бугунги Узбекистон аспасига саводхон республикадир. Тошкент Юбилей йилининг рақат биринчи ярмидамеҳнатчиси дам олиб қайтди. Туристик базаларда 14 мингдан зиёд киши ўз меҳнат отпускасини ўтказди.

Пионер лагерларида 64,5 минг бола, шу жумладан мингга яқин Тошкент шаҳри ва пойтахт областининг аҳолисига санаторий ва курортларда дам олиш учун касаба союзлари салкам 4 миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Бунга қўшимча равишда Улуғ Ватан уруши инвалидларига берилган санаторий йўлланмалари учун 50 минг сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Бепул парҳезли овқатланиш учун эса 779 минг сўм сарфланди.

Яна бир характерли рақам: ярим йилликда афғон болалари дам олишди. Корхоналарнинг дам олиш базаларида, пансионатлар ва санаторийларда 47 мингга яқин киши дам олди.

САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗЛАРИ АСОСИДА

СЎЗ БИЛАН ИШ БИРЛИГИ

Бугун СССР Конституцияси кунида XVIII чақириқ шаҳар Совети депутатларининг сайловчилар олдида юзлари ёруғ. 1982 йилда шаҳар Совети томонидан ижро этиш учун қабул қилинган 239 та наказдан 158 таси бажарилди. 32 та наказ бўйича иш олиб бориляпти, 13 та таклифнинг амалга оширилиш муддати беш йиллик охирида тугайди.

Амалга оширилган ҳар бир наказ —шаҳарнинг кўплаб аҳолиси учун кувончли воқеага айланмоқда. Сайловчилар наказлари асосида 2-Шимоли-Шарқ массивида тўғруқхона, Олмазор микрорайонида мактаб қурилди. «Сергели—2» массивида маданий моллар магазини, Ғафур Ғулом кўчасида қишки кинотеатр очилди. Ҳамид Олимжон ва Пушкин кўчалари чорраҳасида ер ости ўтиш йўли ишлай бошлади.

Шаҳарни ободонлаштириш ва пассажир транспорти иши билан боғлиқ бир қанча наказлар бажарилди. Чунончи Стародубцев, Эргашев, Володарский, Полевая, Турсунқулов, Пограничная кўчалари ободонлаштирилди, 2-Шимоли-Шарқ, Високовольт, «ТТЗ—1, 2, 4» массивларини ва М. Горький проспектини ёритиш яхшиланди. Сайловчилар наказлари асосида янги 84, 44, 69 ва 91-автобус маршрутлари, 21-троллейбус маршрути ишлай бошлади, учта автобус маршрути узайтирилди, илгари ишлаб турган 10 та маршрут иши яхшиланди. Айниқса, янги районларнинг аҳолиси депутатларга тез-тез мурожаат этишади. Чунончи Юнусобод массивида яшовчи сайловчилар кўплаб наказлар беришган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирдаёқ бажарилди. Аҳмад Дониш кўчасидаги турар жой биносининг биринчи қаватида «Зангори экран» ателеси, сартарошхона, прокат пункти, ломбард филиали очилди. «Б—4» микрорайонида иккита озиқ-овқат магазини очилди. Р. Люксембург номидаги касалхона қурилиши ниҳоясига етди, «В—4», «В—5» микрорайонлари ва Аҳмад Дониш кўчаси ёқасидаги уйларга совуқ сув етказиб бериш учун насос станцияси қурилди. Наказларнинг кўпи белгиланган муддатда сифатли бажарилганини айтиш, айниқса қувончлидир.

В. ВАВИЛОВА,

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори.

Статистика рақамлари энг ишончли рақамлардир. Айниқса ўтмиш билан ҳозирги даврни таққослаганда беқиёс ўзгаришларни яққол ҳис этиш мумкин. Бугунги кунда Тошкентда медицина муассасаларида 12 мингдан зиёд врач ва 22 мингдан зиёд ўрта медицина ходими меҳнат қилмоқда. Ҳар йили соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун 80 миллион сўмликдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

Бу ҳар киши ҳисобига 40 сўмдан тўғри келади. Ҳолбуки, 1914 йилда бу рақам бор-йўғи 14 тийинни ташкил этган.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида шуни эслатиб ўтиш жоизки, шаҳримиз Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида ҳақиқий маънода Бутуниттифоқ ҳарбий госпиталига айланди. Бу ерда ўн минглаб жангчилар даволаниб, яна жанговар сафга қайтдилар.

Ҳозир шаҳримизда 90 га яқин касалхона (салкам 30 минг ўрин) бор. Улар орасида 1, 15, 17-йирик клиник касалхоналар мавжуд. 16 та медицина илмий-тадқиқот институти, врачлар малакасини ошириш институти, 2 та медицина олий ўқув юрти, фармацевтика институти ва 3 та ўрта медицина ўқув юртлари ишлаб турибди.

Мамлакатнинг йирик олий ўқув юртларидан бири — ТошМИда 9 минг студент таълим олмоқда. Шундан 300 га яқини чет эл гражданларидир. Институт ташкил этилгандан буён 30 мингдан зиёд врач тайёрлади. 300 га яқин фан доктори ва 2 мингдан зиёд фан кандидати етишиб чиқди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Эртага—Германия Демократик Республикасининг 35 йиллиги

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

БЕРЛИН. Магдебург билан Стендал темир йўл магистралини ҳали яқиндагина электрлаштириш билан банд бўлган ишчилар ва инженерлар 54 километрлик шу участкада электровоз ёрдамида биринчи марта йўлга чиққан поезднинг ҳурматли пассажирлари бўлишди. Улар бу билан ўз ишларининг сифатини яна бир марта текшириш, йўл бўйлаб ўрнатилган системаларнинг мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилиш имконига эга бўлдилар. Ҳар куни шу участкада 60 дан ортиқ юк ва 50 пассажир поездлари қатнови графигига қаттиқ риоя қилиш ана шу ишларнинг бажарилишига боғлиқ бўлади.

Пойтахт темирйўлчилари ҳам ГДРнинг 35 йиллиги шарафига навбатдаги меҳнат ғалабаси тўғрисида рапорт бердилар. Берлин-Лихтенберг вокзали ва Франкфуртер Алле контейнер станциясидаги ички йўлларнинг мураккаб системалари электр ёрдамида ишлашга кўчирилди. Бу эса республиканинг жанубий округларидан ГДР пойтахтига келадиган составларнинг бекор туришини қисқартиришга, темир йўл транспортининг иш самарадорлигини ошириш ва энергиядан оқилона фойдаланишга ёрдам беради. Пўлат магистралларни электрлаштириш —ГДР транспортчиларининг планларида марказий ўринларнинг бирини олади. Шу беш йилликдагина жами 60 километрлик участкаларда электропоездлар қатнай бошлади. Аммо, темирйўлчиларнинг фикрича, бу ҳали чегара эмас. Улар 1985 йилдан бошлаб ҳар йили электрлаштирилган йўлларни камида 300 километр узайтиришни планлаштирмоқдалар.

ДУРДОНАЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

1945 йилнинг 13 февралида Англия-Америка авиацияси томонидан вайрон қилинган Дрезденнинг гўзал иншоотлари орасида унинг фахри — опера театри ёки «Земпер—опер» ҳам бор эди. Маҳаллий аҳоли уни яратган меъмор Готфрид Земпер шарафига шундай деб атарди. Ёниб кул бўлган бинонинг темирлари, деразаларининг бўшаб қолган ўрни, снарядлар ўйиб ташлаган том ва авиабомбалардан жароҳатланган деворлар узоқ йиллар давомида Театр майдони ва сокин оқувчи Эльба ёнида қорайиб турди. У гўё урушнинг мантиқсиз вақшийликларига тилсиз таънадек эди. Бундан етти йил муқаддам — 1977 йилнинг июнида театр биноси ёнида яна ҳаёт қайнай бошлади. Илк бор бу ёрга келган 350 қурувчи ва инженер, меъмор ва рассом жаҳоннинг энг машҳур операларидан бирининг биносини тиклашга киришган эди.

— Олдимизда ҳал қилиб бўлмайдиган вазифа тургандек эди, — деб хотирлайди театр реконструкцияси топширилган жамоат иншоотлари қурилиши бўйича муассаса директори Георг Бауэр, — салгина тегсанг йиқилиб кетадиган бинони қайта тиклаш лозим эди. Бугун эса етти йиллик тинимсиз меҳнатдан кейин дарз кетган пойдевор ва деворларни мустаҳкамлаш, томни янгидан қилиш, ички ўзгаришлар ҳисобига саҳнани кенгайтириш, олдингидан кўра қулайроқ янги зал бунёд этиш, бинонинг ички безакларини олдинги кўринишда тиклашга қандай муяссар бўлганлигимизга ўзимиз ҳам ҳайрон қоламиз. Бу иш қанчалар меҳнат ва ғайрат талаб этди.

Чунки Земпер театрни курган пайтда тежамкорлик мақсадида бинонинг ички безагида «Италья́н мармари»дан —ўзига хос усулда бўялган ва силлиқланган ганчдан фойдаланган эди. Уни тайёрлаш эса Германияда ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ тугалланган. Биз бинони тиклашга киришганимизда фақатгина бир киши унинг сирини билар эди. Биринчи ана шундай «мармар» устунни тиклаш учун унга 80 соат керак бўлди. Қурилиш эса бундай вазифаларни деярли ҳар куни олдимизга кўндаланг қилиб қўяр эди. Масалан, сақланиб қолган суратларга асосан баландлиги деярли 15 метр бўлган тантанавор пардалар ва уч ярим тонналик бронза қандилларни тайёрлашга, Дрездендагина эмас, балки бутун мамлакат бўйлаб фойе учун чироқларни излашга бир неча йил кетди. Албатта уларни излашга куч сарфламаса ҳам бўларди. Аммо биз услубга таҳрир киритмасликка, қадимий меъморчилик биносига замонавий интерьер белгиларини киритмасликка ҳаракат қилдик.

Қисқа қилиб айтганда, «Земпер—опер»ни фақат биз эмас, бутун мамлакат қурди. Агар ана шу умумхалқ ёрдами ва қўллаб-қувватлаши бўлмаганида бугун кўзни қувонтириб турган нарсаларни қила олмаган, театрни муддатидан олдин унинг соҳиблари қўлига топшира олмаган бўлардик. Бу совға» Германия Демократик Республикасининг 35 йиллиги арафасида ҳозирлаганимиздан беҳад бахтиёрмиз.

Ҳа, «Земпер—опер» иккинчи ёшлигини бошлаш арафасида турибди. Яна бир неча ойдан кейин унинг залида Вебер ва Вагнер операларининг оҳанглари янграйди. Ана шу спектаклларга унга бир пайтлар жаҳоний шуҳрат келтирган эди.

Аммо Дрезден операсининг тикланиши қанчалик нодир ва мураккаб бўлмасин, у Германия Демократик Республикасида ўтмиш маданий меросига қанчалик эътибор билан ёндошилаётганлигига ягона мисол эмас. Худди ана шу йилларда Берлиндаги Академия майдонидаги буюк немис меъмори Карл—Фридрих Шинкель яратган драма театрини тиклаш ишлари ҳам олиб борилди. Унинг очилиши ҳам республика юбилейига бағишланган катта маданий программанинг таркибий қисми бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу маданий ёдгорликларнинг тикланиши халқнинг маънавий ва маданий ҳаёти равнақи ҳақида ҳамиша катта ғамхўрлик қилиб келаётган Германия бирлашган Социалистик партиясининг ҳамиша диққат-марказида бўлиб келди. Германия Демократик Республикаси ташкил этилганидан бор-йўғи уч йил ўтгач, ҳали сиёсий ва хўжалик йўналишидаги мураккаб вазифаларни ҳал қилиш лозим бўлган бир пайтда республика Министрлар Совети тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Эндиликда ана шу қарорга асосан 48 мингдан ортиқ ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган. Улардан 400 га яқини ўта муҳим маданий объектлар категориясига киритилган. Республика меҳнаткашлари ғайрат-шижоати билан ҳаётга қайтарилган бу ёдгорликлар ГДР гражданларини ўз социалистик Ватанларини янада кучлироқ севишга, унинг тарихини ва бугунги кун муваффақиятларини тўғри тушуниш ва баҳолашга ўргатади.

Игорь ВЛАДИМИРОВ,
АПН мухбири,
Берлин.

ГДР—35 ЙИЛ:

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

ГДР ўз территориясига кўра планетамизда юзинчи ўринни эгалласада, бугунги кунда у индустриал жиҳатдан ривожланган дастлабки 10 та давлат қаторига киради. Бир йилда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти ҳажми 1949 йилга нисбатан ўн уч баравардан зиёд кўпайди, миллий даромад 24 миллиард маркадан 210 миллиард маркага ўсди. Ташқи савдо оборотн 2,7 миллиарддан 145 миллиард маркага ошди.

Қишлоқ хўжалигида ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил икки баравар ошди.

* * *

ГДР ташкил этилган пайтдан бошлаб мамлакат аҳолиси иш билан тўла таъминланди. Аҳолининг ҳақиқий даромади бир неча баравар ошди, лекин энг зарур молларнинг нархи йигирма йилдан кўпроқ вақтдан бери оширилганн йўқ. Квартира ҳақи онла бюджетининг кўпи билан 3—5 процентини ташкил этади.

Уй-жой қурилиши программаси уй-жой масаласи социал муаммо сифатида 1990 йилгача ҳал этилишини кўзда тутади. Бунинг учун ҳар йили миллий даромаднинг 10 процентга яқини ажратиляпти. 1971 йилдан 1983 йилгача янги қурилишлар, модернизациялаш ишларига, квартираларни сақлашга 210 миллиард марка сарфланди. Мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғи замонавий квартираларга кўчиб ўтди, янги уйларнинг 60 процентини ишчи оилалари олди.

* * *

1980 йилда дастлабки саноат роботлари қўлланилган эди. Ҳозир уларнинг сони 32 мингта бўлиб, асосан оғир жисмоний меҳнат талаб этиладиган жойларда ишлатиляпти.

* * *

1983 йилда ГДРнинг 1,9 миллион меҳнатчиси илмий-техника вазифаларини ҳал этиш, материал ва энергиядан оқилона фойдаланиш, техник методлар ва технологияни яхшилаш бўйича новаторлик таклифларн киритди. Янгиликларнинг самараси 5,3 миллиард марканн ташкил этди.

* * *

ГДРнинг 205 минг граждани халқ вакилликлари депутатлари этиб сайланган, 385 минг кишн халқ ҳокимияти маҳаллий органларининг доимий комиссияларига кўмаклашувчи активлардир. 350 минг граждан Миллий фронт комитетларида ишлайди.

Халқ вакилларининг 46,6 процентини ишчилар, 21,8 процентини — кооперативларнинг аъзолари, 35,9 процентини — аёллар ва 14,7 процентини —25 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

* * *

ГДРда меҳнат ва маиший шароитларн қулайлиги ва медицина хизмати яхшилиги туфайли ГДР ташкил этилган пайтдан бери эркакларнинг ўртача умри беш йилга кўпайиб, 69 нн, аёлларнинг умри етти йилга кўпайиб, 75 нн ташкил этади.

* * *

Республиканинг маданий ҳаётн ҳар томонлама ривожланяпти. Китоб бозорида ҳар йили олти мингдан зиёд янги нашр пайдо бўлади. Уларнинг тиражи юқорилигига [жами 140 миллион нусхадан зиёд] қарамай, тез харид қилиб олиняпти. Ҳар йили музейларга 30 миллион кишн ташриф буюради, 82 миллион кишн театрлар ва кинога боради. Буларнинг ҳаммаси аҳолиси 17 миллион кишн бўлган мамлакат учун ҳайратга соларли рақамлардир.

* * *

Футбол, енгил атлетика, спорт гимнастикаси, қўл тўпи ГДРда спортнинг энг оммалашган турларидир. Умуман ГДР аҳолисининг 20 процентга яқини миллий спорт ташкилотларнинг аъзолари ҳисобланишади.

(Панорама ГДР—АПН).



ШВЕЙЦАРИЯ. Крейцлингеи шаҳридаги мана бу уй олдида ўсаётган дарахтнинг омади бор экан. Ушбу бинони лойиҳалаштирган меъморлар «яшил дўстимиз» тақдирини ўйлаб, унинг «яшаши» учун барча шарт-шароитларни яратишибди.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

«КОВОПРОЕКТ»НИНГ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИ


БРАТИСЛАВА. Социалистик Словакиядаги завод ва фабрикаларнинг бутун 1937 йилдаги миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариши учун атиги беш кун талаб этилади. Словакия Социалистик Республикасида саноат ишлаб чиқариши урушдан аввалги даврдагига нисбатан 51 баравар кўпайди.

Братиславадаги «Ковопроект» лойиҳа-конструкторлик бирлашмасининг коллективи республиканинг индустриал-иқтисод и й базасини вужудга келтириш ва кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу бирлашма шу кунларда ўзининг 25 йиллигини нишонламоқда. Машинасозликдаги ишлаб чиқариш базасини комплекс янгилаш ва механизациялаш, капитал маблағларни, материал ва энергияни тежаш—бу ташкилот чорак асрлик фаолиятининг асосий йўналишларидир. Бирлашма мутахассислари шу йиллар ичида ғоят унумли ишлайдиган 200 саноат корхонасининг жами 32 миллиард кроналик лойиҳаларини тайёрлаб бердилар. Булар орасида Поваж машинасозлик комбинати, Тирнава ва Братиславадаги автомобиль заводлари, Кусиценова Местодаги шарикоподшипник заводи ва бошқа улкан саноат корхоналари бор. Братислава лойиҳачилари ва конструкторлари коллективининг иши бир қатор чет мамлакатларда ҳам юксак баҳоланади.





СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ



Бутун совет халқи каби шаҳримиз меҳнаткашларининг турмуш Ленин партиясининг совет кишилари моддий ва маънавий ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга, уйғун камол топтиришга қаратилган йўналиш қандай амалга оширилаётганлигининг ёрқин ифодасидир. Узбек халқининг маданиятн ўзининг барча жиҳатлари билан барқ уриб ривожланди, коммунистик ғоялар билан бойиди. Республикада шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият ва санъатнинг яратилиши маданий ўзгаришларнинг ажойиб натижаси бўлди. Ватан ва жаҳон маданияти бойликларининг ҳамма учун очиқлиги кутубхоналар, театрлар, музейлар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, концерт заллари, кинотеатрларининг кенг тармоғи билан таъминланяпти. Аҳолининг ҳар мингтаси ҳисобига маданият муассасаларининг сони жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган капиталистик мамлакатларни ортда қолдирди. Ҳар йили пойтахтимизга минглаб туристлар келади. Эски ва янги, кўп асрлик маданият, фан ва маданиятнинг замонавий ютуқлари уйғунлашган Тошкент ўзининг такрорланмас чиройи билан барчани мафтун этяпти.

Шанба оқшоми

- УСТОЗ-ЎҚИТУВЧИЛАР МАДҲИ
- ҲИКМАТ— БИР ҲОВУЧ ОЛТИН
- ТАОМ ЛАЗЗАТИ—МЕҲМОН ИЗЗАТИ
- САМОНИНГ СИРЛИ МУЪЖИЗАЛАРИ
- КУЛГИ — ЖОН ОЗИҒИ

ЭРТАГА – ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗ!

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Донолардан бири ўқитувчи меҳнатини ҳайкалтарош меҳнати билан таққослаган экан. Агар ҳайкалтарош қалбсиз ҳайкални яратса, ўқитувчи жонли инсонни вояга етказади. Агар у оқил ва меҳрибон бўлса-чи, шогирдлари қалбидан бир умр ўчмайди.

Аҳир, ўқитувчи учун ўзи эккан ниҳолнинг мева берганини кўришдан ҳам кўра катта бахт борми! Бугун Ўқитувчилар куни арафасида шогирдлар ўзларининг илк мураббийларини миннатдорлик билан ёдга олмоқдалар.

И. ҲАМРОБОЕВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Геология ва геофизика институтининг директори.

«Адиби аввал», «Биринчи муаллим»—асримизнинг бошида янгича усулдаги мактаблар тажрибаси бўйича ўзбек тилида чиқарилган алифбелар шундай номланган эди. Мен бу алифбелар бўйича ўқимаганман. Менинг дастлабки мураббийларим алифбе эмас, одамлар бўлишган, мен уларни бир умр ёдимдан чиқармайман.

Ўттизинчи йилларда В. И. Ленин номидаги Тошкент Педагогика билим юртида Аҳмаджон ака Илҳомов ўзбек тили ва адабиётидан, Лидия Михайловна Гербановская эса рус тилидан ўқитишган эди. Улар менга катта ҳаётга йўлланма беришди, меҳрибон юракларининг бир парчасини менга баҳшида этишди. Мен ўзимнинг келажак йўлим бошланишини айнан шу Тошкент педагогика билим юртида кўраман.

Шундан кейин устозларим кўп бўлди. Улардан чексиз миннатдорман, устозларимга доимо таъзим бажо айлайман. Аммо, илк устоз айниқса қадрли. Чунки у қалбимга дастлабки илм учқунини солдики, кейинчалик у алангага айланди.

Р. АБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти терапия кафедрасининг мудири.

— Бугун мен олис йигирманчи йилларни ва Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги Фарғонани эслайман. Водийда ҳали босмачи тўдалар изғиб юрар, кечалари отишмалар бўлар эди. Аммо янги ҳаёт қуёши бутун уфқни ёритиб турарди.

Энди ўша пайтдаги кичкина болани бир тасаввур қилинг. Бу ўзбек ўсмири ҳали рус тилини билмайди. Аммо республиканинг дастлабки медицина техникумларидан бирига ўқишга келган. Ана шу мен эдим. Агар устозларим—рус тили ўқитувчиси Валентина Сергеевна Кудрявцева ва унинг турмуш ўртоғи кимёгар Александр Кириллович бўлмаганда, билмадим, менинг ва сафдошларимнинг орзулари амалга ошармиди, йўқмиди. Мен уларни эҳтиром билан ёдга оламан. Чунки улар менга Улуғ рус тилини қунт билан ўргатдилар, ўз касбимга муҳаббат уйғотдилар. Мен улардан бир умр миннатдорман.

Б. ҚОРИЕВА,

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

— Ушинский номидаги Тошкент мактабининг бешинчи синфида ўқиб юрганимдаёқ Москвага жўнаб кетдим. Мен ўзимни рақс санъатига бағишлашга аҳд қилдим. Тўғри, дастлаб балет нималигини яхши тасаввур эта олмасдим. Фақат ранг-баранг жилолар, ёрқин ёритилган саҳна, қарсаклар кўз олдимга келарди, холос. Лекин мени ҳаддан зиёд чарчатадиган кундалик меҳнат кутиб турган экан. Яхши балетчи бўлиш учун ана шуни бошдан кечириш зарур экан. Агар ажойиб инсонлар—Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Мария Алексеевна Кожухова РСФСР халқ артисти Юрий Кондратовларни учратмаганимда, билмадим, балки мен бу машаққатли меҳнатдан воз кечган бўлармидим. Илк устозларим мен тортинчоқ ўзбек қизига куч-ғайрат, қанот бағишлашди. Мен дастлабки муваффақиятларни қўлга киритдим.

Ҳозир маданият институтида дарс бераман. Эндиликда менинг ҳам шогирдларим бор, агар улар келажакда ўқитувчилар кунида мени эслашса, бошим осмонга етарди, албатта. Чунки меҳнатим зое кетмаган бўларди.

- Коинот — 84

ОКТЯБРЬ ОСМОНИ

Куз осмонида тепамизда ҳамон Ёз учбурчаги ташкил қилган уч юлдуз— Вега, Денеб ва Альтаирни кўришимиз мумкин. Тунниng иккинчи ярмида оқшомхонга маълум қадимий грек афсоналари қаҳрамонлари номлари билан аталган Пегас, Андромеда, кейинроқ, Персей туркумлари кўринади. Жанубда Ўқчи туркуми, ундан чапроқда Жанубий балиқ туркуми жойлашади. Тонгга яқин Бузоқ туркуми ва ундаги 7 қароқчи сочма юлдуз тўплами, Орион туркуми ва ундаги машҳур Орион туманлигини кузатиш мумкин. Орион туманлигини эслатиб ўтамиз: унинг ўртасида 12 қўшалоқ юлдуз системаси жойлашган. Юлдузларнинг бири қизил бўлса, бошқалари Кўк юлдузлар, яна пушти рангли юлдузлар. Телескопда ёки дурбинда атиги бешта юлдуз кўринади, лекин кучли телескопларда ҳаммаси кўринниб ажойиб, бирбирининг атрофида айланувчи системани ташкил қилишади.

Октябрда Қуёш Сунбула туркумида бўлади. Ой бошида кун узунлиги 11 соати 47 минут ва ой охирида 10 соату 29 минутни ташкил қилади.

Сайёралардан Зуҳра кечки пайтлар ғарбда бир соатларча кўринади. Шунда у Мезон, Чаён ва ой охирида Илонэлтувчи туркумларда ҳаракат қилади. 27 октябрда Ой Зуҳрадан 0,3 градус шимолроқдан ўтади.

Марсни кечки пайт жанубий-ғарбда топиш осон. У туннинг биринчи ярмида (2—3 соат) қизил юлдуздек чарақлаб туради ва сўнг ботади. Марс ва Юпитер орасидаги масофа 13 октябрда 2,0 градусни ташкил қилади.

Октябрнинг ўрталарида Сатурннинг кўриниши тугайди. Декабрь ойида биз бу ажойиб сайёрани (ҳалқаларн билан) эрталабга яқин яна кўришимиз мумкин.

В. УМАРОВ,
астроном.

КУЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

Турп таомлари

Табобатга оид қадимий китоблардан бирида турпнинг шифолиги тўғрисида шундай байт бор:

Турпни кўп егилки танда балғамни даф қилур,
Гар йўтал бўлсанг, ўшанга дори бўлгай, наф қилур.

Агар биз табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарига мурожаат қилсак, «Содда дорилар тўғрисида» китобида ёзадики: «Турпнинг эзиб олинган суви ва уруғининг ёғи қулоқдаги ел (бод)га жуда фойда қилади. Суви кўзга томизилса тозалайди. Турпнинг қайнатилгани эса, йўталга ва кўкракда тўпланган қуюқ қаймусга фойда қилади) (яъни балғам кўчиради)... Турпни овқатдан кейин ейилса ични юмшатади».

Турп ғоят хосиятли масаллиқ, унинг фойдали неъмат эканлигини Бобирийлар даврининг табиби Юсуф ибн Муҳаммад Юсуфий шеърий баён этади:

Турпни есанг йўталга яхши даводир,
Пешоб равон бўлур, кўз эса равшан.
Белга қувват ато қилади,
Мум бўлсанг, гўёки бўласан оҳан.

Замонавий биохимия ҳам шуни тасдиқлайдики, турпнинг таркибида 2 процентгача оқсил, 1,5 процент шакар моддаси, 1,5 процент ҳужайра моддаси, ҳар турли дармон-дорилар, булар орасида 8 дан то 29 миллиграмм процентгача С белгили витамин мавжуд. Яна калий, кальций, темир, марганец, фосфор тузлари ва бир мунча микроэлементлар ҳамда фитонцидлар борлигини ҳам ҳисобга олсак, турп дарҳақиқат шифобахш неъматдир.


ЛАЗЗАТЛИ САЛАТЛАР

● **Бир-бирига тенг келадиган битта турп ва бир дона нордон анор олинг. Турпни арчиб, майин сомонча усулда тўғранг. Анорни иккига бўлиб, ярмини эзиб шарбатини олинг-да, тўғралган турпга севалаңг, ярмининг донасини ажратиб салатга қўшиб юборинг. Туз ва зираворлар сепилмайди.**

Ушбу салат палов, кабоб, қовурма каби серқувват таомлар билан бирга истеъмол этилади.

● **200 граммли бир дона турп ва 200 грамм сир [пишлоқ] олингда, ҳар иккаласини сомонча қилиб тўғранг ва бирбирига қоришгирнг, вассалом. Туз ва зираворлар сепилмайди. Мустақил таом сифатида нонга қўшиб ейиш учун дастурхонга тортилади. Ушбу салатни тўй дастурхонига тортса ҳам бўлади.**

К. МАҲМДОВ.





● Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейининг кўриниши: Беруний кўчасида буюк аллома Абу Райҳон Берунийга ўрнатилган ҳайкал.

Ойсоат Худоёрова чизган расмлар.

Ҳайвонот олами сирла

ИЛТИФОТЛИ КЎЗОЙНАКЛИ ИЛОН

Ҳиндистоннинг Кришна дарёси бўйидаги унча катта бўлмаган Ширала шаҳрида ҳар йили июль ойида кўплаб меҳмонлар кутиб олинади. Бу ерда қадим замонлардан буён анъанавий кўзойнакли илон байрами ўтказилади. Ҳиндистоннинг турли бурчакларидан бу ерга махсус қутиларда эндигина овланган «илонлар маликасини»ни келтирадилар.

Ҳиндлар ишонадиларки, кўзойнакли илон илтифотли бўлиб, у ҳеч вақт одамга биринчи бўлиб ҳужум қилмайди. Ширалада кўзойнакли илонлар байрами ниҳоясига етгандан сўнг, илонлар эркинликка қўйиб юборилади. Бир йилдан сўнг одат бўйича кўзойнакли илонлар байрамига «найа-найа»—«илтифотли илонларнинг» янги нусхаларини келтириш зарур, кўринадики кишиларга газабланмаслиги учун ҳар бир «малика» ўз ҳурмат улушини олиши керак.

ҚЎНҒИР АЙИҚ

Пиренея тоғларида айиқ овлаш қадимий анъана. Кўҳна тарихданоқ бу ерларда инсонлар маймоқ оёқларни қириб тугата бошлаганлар. Бугунги кунда бу тоғларда айиқ овлаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, бу француз ва испан ҳокимияти томонидан тақиқланган. Бироқ, ҳозирги кунда ваҳшийна қириб ташлашнинг салбий оқибати сезилмоқда. Агарда Пиренея тоғларида 1937 йили икки юзта қўнғир айиқ ҳисобга олинган бўлса 1954 йилдаёқ етмиш иккита, ўтган йили бор-йўғи ўн бештагина қолди...

ТУЛКИ ЗИЛЗИЛА ДАРАКЧИСИ

Хонсю оролида маъмурият ва ал бўлишда сейсмолог Кад олиб борган кузатувлари тажрибаси ўтмиш таъсирини этувчи жонзотларнинг ҳатини яқда Тадқиқотчининг шича, тулкилар беradиган рад силкинишидан соат илгари ни лар эканлар.

БОҒБОНЛАР УЧУН


«Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида пастак боғлардаги ҳосилни йиғиштириш учун мўлжалланган машина ва мосламалар комплекси яратилди. Бу комплекс ҳосил йиғувчилар учун махсус платформадан, мевалар билан тўлган контейнерларни ортувчи механизмлардан, уларни ташиш учун махсус прицеплардан иборатдир.

Янги комплекс мева теришда қўл меҳнатидан жуда кам фойдаланишни кўзда тутади, контейнерларни қўллаш эса ҳосил нобудгарчилигини камайтиришни, мевалар нинг яхши сифатлари сақланиб қолишини таъминлайди.

Машина ва мосламаларнинг янги комплекси асосан интенсив типдаги пастак боғлар майдонини кенгайтираётган ихтисослаштирилган боғдорчилик-узумчилик хўжаликларига мўлжалланган.

● ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

«Пахта» криптограммаси



Азиз оқшомхон! Криптограммани тўғри ҳал этсангиз, шу куннинг муҳим шиорларидан бирини ўқийсиз.

I. 18, 2, 19, 12, 6, 16, 18— Пахта нави.
II. 1, 15, 13, 16, 13—Пахтага ишлов бериш тури.
III. 3, 11, 4, 2, 10— Пахтага оби-ҳаёт берувчи.
IV. 20, 11, 9, 18—Пахта касаллиги.
V. 8, 13, 17, 18, 13, 12, 2, 4— Футбол командаси.
VI. 5, 7, 20— Пахтанинг асосий озуқаси.
VII. 19, 11, 14, 8, 2, 16—Пахтакорларнинг дам олиш жойи.

Тузувчи: Ф. ҒАФУРОВ.

29 СЕНТЯБРДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 2. Турди. 6. Нимча. 7. Кўкан. 8. Магма. 9. Физика. 12. Туллак. 15. Ихлос. 16. Руль. 17. Уйин. 18. Сариқ. 20. Зумрад. 22. Камола. 25. Маком. 26. Сиймо. 27. Оқлон. 28. Янтоқ.

БЎЙИГА: 1. Рионн. 2. Тамаки. 3. Рига. 4. Икарус. 5. Шашка. 9. Фараз. 10. Золим. 11. Аҳмад. 12. Тожик. 13. Лайло. 14. Кинна. 18. Сармоя. 19. Қармоқ. 21. Унсин. 23. Лагос. 24. Ёкут.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

БОЗОРДА

— Айтингчи, сиз бу товуқни нима билан боқ қансиз?!

— Бу сизни нега қизиқтириб қолди?

— Мен ҳам худди шундай озишни истайман.

ИШҚИБОЗ

— Қўшни, сизларникида футбол кўрсам майлими?

— Марҳамат. Нима, телевизорингиз бузилиб қолдими?

— Йўқ, аксига олиб бизникида ёнғин бошланди.

ТИЛИДАН ИЛИНДИ

— Айбдор сиз тилла соатни ўғирлашда айбланяпсиз. Шу тўғримн?

— Қип-қизил туҳмат! Биринчидан, ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ. Иккинчидан, соат сираям тилла эмас экан.

Тўлқин РАҲМОНОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ



ХУШОМАДГЎЙ: — Тўрахон ака, энди дам олсангиз бўларди, азиз жонингиз қийналиб кетди-ку.

БЕЛИ ОҒРИМАГАН ОДАМ: — Пахтанинг шунақа пакана навини экишадими, а, эгилаверіб бел чиқиб кетди-ку.

СОЯПАРВАР-ДАНГАСА: — Қўшиқ айтмай, жимгина пахта теришса бўлмайдими, одамнинг роҳатини бузмшяпти.

НОҚОБИЛ ҲАШАРЧИ: —Ҳаким, сиз айтгандек эгилсам, этакдаги «оқ олтин»им тўкилиб кетади-ку.

Ш. Субҳонов расмлари.
Бухоро шаҳри.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

6 ОКТЯБРЬ, 1984 й. Р—08485. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2827. Индекс 64690. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8